

ҚОРАМОЛЛАРДА БАРМОҚ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ ЎРГАНИШ.

Наурызов Тохтамис Қыдырбергенович

қ.х.ф.ф.д (PhD) доцент, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
tnaurizov@gmail.com

Бауаддинов Камаладдин

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети Нукус филиали магистранти

Кириш:

Маълумки, қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари акушер гинекологик ва хирургик касалликлар билан биргаликда барча касалликларининг ўртача 94-96 фоизини ташкил этади. Бу касалликлар пайтида иқтисодий зарар маҳсулдорликнинг кескин камайиши, ҳайвонларни барвақт подадан чиқариш, мажбурий суйиш ва ҳайвонларнинг ўлими ҳисобига кузатилади.

Республикамиз қорамолчилиқ хўжаликларида йирик шохли ҳайвонлар, шу жумладан, зотли қорамолларда туёқ бўғими йирингли яллиғланишларининг кўп учраши бу патологияни даволаш ва олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда маҳсулдорликнинг кескин камайиши ва даволаш тадбирлари учун харажатлар ҳисобига хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказилади. Ҳозирги кунгача йирингли артритларни даволаш усулларининг такомиллашмаганлиги ва иқтисодий ҳамда терапевтик самарадорлигининг пастлиги туфайли, самарадорлиги юқори ва хўжаликларда бажарилиши осон бўлган даволаш усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Асосий бўлим: Зотли қорамолларда туёқ бўғими йирингли яллиғланишларининг самарали даволаш воситаларини топиш, қўлланилган препаратларнинг организмига таъсирини ва шуларнинг иқтисодий

самардорлигини ўрганиш мақсадида соғин сигирларда илмий тадқиқот тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар учун ҳар бирида 10 бошдан туёқ ва тушок бўғимларининг йирингли артритлари билан касалланган соғин сигирлар бўлган 2 та гуруҳ ташкил этилиб, биринчи - назорат гуруҳдаги соғин сигирлар анъанавий усулда қуйидаги тартибда даволанди: умумий қабул қилинган услубда жарроҳлик муолажаси ўтказиш жойи умумий қабул қилинган усулда тайёрланиб, 2%ли фоизли новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилди ва жароҳатланган бўғин кесилиб йирингли экссудат чиқариб ташлангач, 3%ли водород пероксиди эритмаси билан ювилди ва мускул ичига 0,5% ли новокаин эритмаси ва бицилин-5 антибиотиғи юборилди, жароҳатга докадан дренаж ўрнатилиб, ош тузининг гипертоник эритмаси ва фурацилин эритмаси билан намланиб турилди .

Иккинчи тажриба гуруҳидаги йирингли артрит билан касалланган сигирлар юқоридаги кўрсатилган тартибда анъанавий усулда даволанди ва анъанавий усулларга қўшимча равишда бўғимдаги патологик жараёндан йиринг ажралиши тўхтагандан кейин стимулловчи восита сифатида бутазол -100 препаратидан мускул орасига 20 мл жами 3 марта инъекция қилинди.

Иккала гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга стимулловчи восита сифатида бутазол -100 препаратини таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги сигирлар тажрибаларнинг бошида ва аутокон юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 -20— 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказиш.

Клиник кўрсаткичлар. Биринчи гуруҳдаги тўрт бош ва иккинчи гуруҳдаги икки бошҳайвонда тушок бўғинида, биринчи гуруҳдаги икки бош ва иккинчи гуруҳдаги тўрт бош ҳайвонда тўёқ бўғинида капсуляр флегмона аниқланиб, қуйидаги клиник белгилар яъни, капсуляр флегмона билан жароҳатланган бўғин соҳаси шишган, оғрикли бўлиши ва флюктуация кузатилди. Ҳайвонлар оёқларининг жароҳатланган бўғинларини биров буккан ҳолатда, оёқларнинг учки қисмини босиб туради. Ҳаракатланганда кучли оқсаш кузатилади. Ҳайвонларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг ўртача 1-2 °С га кўтарилиши, жароҳатланган бўғиннинг қарама-қарши оёқ бўғинига нисбатан катталашиши,



тери эластиклигининг йуқолиши, қайд этилди, бўгин капсуласи катталашган, бўгин бўртиқлари қийинлик билан пайпасланади, тутқичлари қалинлашган, эластиклиги пасайган, бўгинларнинг пассив ҳаракати чегараланган ва оғриқли. Туёқ юмшоғи флегмонаси ҳам ҳар хил даражадаги оқсаш, яллиғланиш хусусиятли шишлар пайдо бўлиши билан характерланади.

Жаррохлик муолажалари ўтказилгач, даволашнинг 3-,5- кунларига келиб, анъанавий усулларга қўшимча равишда бутазол-100 препарати юборилган иккинчи тажриба гуруҳидаги капсуляр флегмона билан касалланган ҳайвонларнинг умумий ҳолати анча яхшиланиши ва тана ҳароратининг меъёрлар чегарасигача пасайиши кўзатилди. Бўгинларнинг шиши пасайган бўлсада, ҳайвонлар жароҳатланган бўгинни ярим буккан ҳолатда тутди. Ҳаракатланганда оқсаш ва оғриқ кузатилади.

Даволашнинг 7-10- кунларига келиб, яллиғланиш реакциясининг секинлашиши, шишларнинг йуқолиши, пассив ҳаракат пайтида эса бироз оғриқ сезиш кузатилди, даволашнинг 15-кунига келиб, жароҳатланган бўгин функциясининг ҳамда морфологик тузилишининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги туёқ юмшоғи флегмонаси билан оғриган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан кейин даволашнинг 5-кунида шишлар, оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилиб, тана ҳарорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши қайд этилди. Лекин ҳайвонларда ҳаракатланиш пайтида оғриқ сезиш, туёқ юмшоғи соҳасида оғриқли шиш сақланиб қолди.

Даволашнинг 10-кунига келиб, бироз шиш сақланиб қолган бўлсада, оқсаш ва оғриқ сезиш, 15-кунига келиб эса шишлар бўтунлай йуқолди ва бўгинлар функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Шу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан 5 кун кейин тана ҳароратининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши ва умумий ҳолатнинг яхшиланиши кузатилган бўлсада, бўгин контўрининг катталашуви ва дивертикуласининг таранглашганлиги, ҳаракат пайтида оғриқ ва кучсиз оқсаш сақланиб қолди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг пасайиши, бўгин капсуласи зўриқишининг, оқсашнинг ва оғриқ сезишнинг камайиши қайд этилиб, текширишларнинг 18-кунида ҳайвонларда жароҳатланган бўгин контурининг меъёрдаги анатомик ҳолатда эканлиги пайпасланганда оғриқсиз, ҳамда шишлар йуқолганлиги қайд этилди. Бўгин



капсуласи бироз қалинлашган бўлсада, катталиги ва бўғинларнинг ҳаракатида соғлом оёқлардан фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усуллар билан даволанган биринчи гуруҳдаги капсуляр флегмона билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан беш кун кейин тана ҳароратининг бироз пасайиши, бўғиннинг катталашганлиги ва шишганлиги, пальпация ва пассив ҳаракат вақтида кучли оғриқ сезиш ва оқсаш ҳарактерли бўлди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг анча секинлашиши билан бирга, пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезиш, оқсаш кузатилди, кузатишларнинг 20-кунига келиб бўғинлар анатомик тузилишининг ва функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди.

Ушбў гуруҳдаги туёқ юмшоғи флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан кейинги 5-кунида маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши ва гиперемия, бўғинининг катталашиши, пайпасланганда оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилди.

Даволашнинг 15-кунидан бошлаб оқсаш, гиперемия, шишлар ва пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезишнинг анча камайганлиги қайд этилди. Даволашнинг 20-кунига келиб, бу белгиларнинг йуқолиши ва бўғин функциясининг тўлиқ тикланиши кузатилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда даволашнинг 20-кунигача бўғинларнинг катталашиши ва шиши, пайпасланганда ҳамда пассив ҳаракат пайтида оғриқ сезиш белгилари сақланиб қолди ва даволашнинг 25-кунига келиб яллиғланиш белгиларининг йуқолиши, жарохатланган бўғин анатомик тузилиши ҳамда функциясининг меъёрда бўлиши қайд этилди.

Хулоса:

Шундай қилиб, қорамолларда бармоқ қисми йирингли яллиғланишларини даволашда ананавий усуллар билан биргаликда бутазол-100 препарати қўллаш яхши натижа берди, яъни биринчи гуруҳдаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 20-25- кун давом этган бўлса, бутазол-100 препарати қўлланилган гуруҳда эса 15-18 кунни ташкил этди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ergashev E.H. va boshqalar //Veterinariya parazitologiyasiga oid atamalarning izohli lug'ati/ qollanma.Samarqand, 1994. Str-110-115
2. Ergashev E.X. va boshqalar «Chorva mollarining protozoolari», Samarqand, Darslik-1998.str-55-58
3. Ergashev E.H va boshqalar «Umumiy parazitologiya», Samarqand, 1999 yil.Oquv qullanma str-110-113
- 4.Ergashev E.X., va boshqalar «Chorva mollarining araxnoentomozlari», Samarqand, darslik-2002. Str-223-225
5. Gafurov A.G. va boshqalar Qishloq xwjalik hayvonlarining protozoy kasalliklari. Darslik-Samarqand. 2010. Str-303-308
- 6.Haqberdiev P.S. “Parazitologiya” faninirng amaliy mashg'ulotlarni bajarish bwyicha uslubiy qwllanma/ Samarqand, 2010. Str-59-62.

